

инсон онгини ва унинг шахсини бутунлай ривожлантиришга имкон беради. Филологик тафаккурлаш ва фикрлаш педагог нуткига хос бўлган барча сифатларни, масалан, оғзаки нутқ қоидаларига қатъиян риоя қилишлик, яъни лингвистик компетенцияларда орфоэпик ва фонетик меъёрларга бўйсунуш, муайян лисоний таҳлилда мантиқийлик, умумлаштиришга қобилиятлик, сўзамоллик (нутқда лексик бойлигининг кўп бўлишлиги ва бошқалар)ни ўзида мужассамлаштиради. Шунинг ҳам умумқасбий фанлар ёрдамида бундай сифатларнинг ҳаммасини бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида босқичма-босқич шакллантирилсагина кўзланган маррага эришилади, асосий мақсад муайян даражада бажарилади, аниқроғи, бу борада талабаларнинг лингвистик компетенцияси шакллантирилади.

Инглиз тилини ўқитишнинг шахсий асоси ўз мазмун-моҳиятига кўра, унинг ахлоқий жиҳатини ҳам ўз ичига олади. Инглиз тили таълими йўналишидаги мутахассислик фанларни ўрганиш талабанинг тасаввурлари ва илмий изоҳлар орасидаги номутаносибликларни бартараф этиш заруриятини юзага келтиради. Бу нафақат фикрнинг аниқлиги ва мантиқийлигига, балки кўп маънолик, фикрнинг ҳаммага тушунарлиги, педагогик тамойиллик, ўзга фикрни қабул қилиш, ҳақиқатга ва касбга садоқатлилик, қўйилган мақсадга эришишда қатъийлик,

темир интизомлилик, меҳнатсеварлик ва ростгўйлик каби ахлоқий этик ва иродавий сифатларни шакллантиради. Талабанинг маънавий ривожланиши ва инглиз тилини ўрганиши нафақат онгига, балки, унинг руҳий кечинмаларига таъсир қилади, охир-оқибатда мазкур соҳа мутахассиси сифатида шаклланишига хизмат қилади.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиси маънавий коммуналликка эстетика ва хорижий филологиянинг ўзаро боғланишини англамасдан эриша олмайди. Таълим олувчилар ўрганилаётган фаннинг филологик лисоний тизимида, эстетик ҳолатлари ва ички гармония (уйғунлик)ни кўришни, гўзаллик ва ҳақиқатнинг бирлигини тушунишни ўргатувчи барча имкониятлардан фойдаланиш зарур. Ҳозирги ДТС талабларига кўра, қуйи таълим муассасаларидаги инглиз тили фани ҳам, педагогика ОТМда ўқитиладиган инглиз тилига, соҳа йўналишига дахлдор мутахассислик фанлари ҳам юқоридаги эстетик имкониятларга эга. Аммо бу ўринда таъкидлаш лозимки, бошқа лингвистик материалларни узатиш, уларни талабаларга тавсия қилиш, аудиторияда таҳлил қилиш, таржима матнлари устида ишлаш уларни тўғри ёзиш, муайян расм-кўргазмани мустақил тасвирлаш, уларни қабул қилиш ва тушуниш эстетикаси каби қатор педагогик-лингвистик омиллар ҳам муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан салоҳияти ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
2. Дергач А.А., Кузмина Н.В. Акмеология: пути достижения вершин профессионализма. // Российская академия управления. -М.: 1993.
3. Мордкович А.Г. Профессионально-педагогическая направленность специальной подготовки учителя математики в педагогическом институте: дисс... д-ра пед.наук. -М.: 1986.
4. Пехлицкий И.Д. Компоненты индивидуального стиля преподавания. – Пермь: 1990.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик компетентлиги, тузилмаси ва асослари ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, мазмунли, технологик ва шахсий асос, компетентлигининг турлари ҳақида мулоҳазалар билдирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются профессионально-педагогическая компетентность, структура и основы будущего учителя английского языка. Также есть комментарии по содержанию, технологической и личной основе, типам компетенций.

SUMMARY

The article discusses the professional and pedagogical competence, structure and foundations of a future English teacher. There are also comments on the content, technological and personal basis, types of competence.

КУРАШЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК ВА ТАКТИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Б.Б.Каримов – ўқитувчи

Қарши давлат университети

Таянч сўзлар: кураш, техник маҳорат, тактика, яккакураш, спорт морфологияси, хужум тактикаси, спорт, усул.

Ключевые слова: кураш, техническое мастерство, тактика, единоборство, спортивная морфология, наступательная тактика, спорт, метод.

Key words: kurash, technical skill, tactics, single-combat, sport morphology, offensive tactics, sports, method.

Мусобақа фаолиятини бошқариш келгуси мусобақа беллашувларининг режасини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилишни ўз ичига олади. Келгуси мусобақа беллашуви режасини ишлаб чиқишда, рақиб устидан ғалаба қозониш мақсадида энг самарали тактик ҳаракатларни аниқлаш учун мураббий рақиб ҳақида маълумотга эга бўлиши керак. Мусобақа фаолияти назорати ва унинг келгуси таҳлили у ёки бу спортчини тайёрлашда унинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш имконини беради. Бу маълумот машғулот жараёнига тузатишлар киритиш учун муҳим ҳисобланади. Спорт техникасини ўрганиш методлари кинематик ва динамик ҳаракатлар хусусиятларини қайд этишда ҳаракат унсурларини таҳлилий тарзда ажратиш имконини берувчи турли хил усулларни ўз ичига олади.

Агар спортчи тайёргарлигининг мақсади унинг жаҳон ва Осиё биринчиликлари каби йирик мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиши бўлса, техник ва тактик жиҳатдан тайёрланганлик кўрсаткичларини ушбу мусобақалардаги беллашувлар баённомаларини таҳлил қилган ҳолда аниқлаш ҳамда асосий эътиборни

юқори малакали курашчилар билан бўлган беллашувларга қаратиш керак бўлади. Шунини таъкидлаш лозимки, спорт тайёргарлиги дастурининг мақсадли вазифалари баҳоланаётган кўрсаткичларнинг характери ва даражасини белгилайди.

Сўнги пайтларда спорт кураши амалиётида ва адабиётларда «техник ва тактик маҳорат» атамаси кенг қўлланилмоқда. Спорт кураши техникаси деганда, тор маънода курашчига ғалаба келтирувчи ҳаракатларни бажаришнинг энг рационал усуллари тушунилади. Бунда, техника асосини биомеханик ва физиологик қонуниятларга таянган ва индивидуал хусусиятлардан қатъий назар барча курашчиларга хос бўлган ҳаракатлар ташкил қилади. Спортда тактика деганда юқори спорт натижаларига эришиш ва рақиб устидан ғалаба қозониш шакллари ва усуллари мажмуи тушунилади. Тактика қуйидаги омиллар мажмуидан юзага келади: ўз тайёргарлигининг кучли томонлари ва рақибнинг камчиликлари ҳамда техникани эгаллашнинг индивидуал хусусиятларидан фойдаланиш, рақибни чалғитувчи ҳаракатлар билан адаштириш, беллашувда қулай фур-

сат туғилган пайтда фойда келтиривчи усуллардан фойдаланиш, кучни тежамкорлик билан сарфлаш маҳорати, қоидаларда белгиланган имкониятлар, гилам майдони, ўзининг морфологик ва физиологик хусусиятларидан пухта фойдаланиш ва б. [3, 4, 5].

Замонавий кураш техникаси бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, маҳоратли курашчилар бир мусобақа давомида турли хил техник ва тактик ҳужум ҳаракатларининг 16-20 вариантыни қўлламоқдалар. Бундан ташқари, энг кучли курашчилар етарли даражада самарали ва ишончли тарзда ҳужумга ўтмоқдалар. Ҳужум тактик жиҳатдан пухта тайёрлангандагина, улар максимал куч ва тезликдан фойдаланмоқдалар. Катта кучни талаб қилмайдиган тактик ҳаракатларни қўллаган ҳолда, улар кучни тежаб, иш лаёқатларини беллашув сўнгигига қадар сақлаб қолмоқдалар. Ҳакамлар ҳужум ҳаракатларининг 50%ини устунлик деб баҳолайдилар.

Энг муҳим тактик ҳаракат бу алдамчи ҳаракатлар ёрдамида рўй берадиган ҳужум хавфидир. Ҳақиқий ҳужум ҳаракатларининг алдамчи ҳаракатларга нисбати 1:2 бўлиши 0,5 коэффицентли ҳужум эҳтимolini беради. Бундай эҳтимолни рақиб қийинроқ англай олади ва унга ҳақиқий ҳужумга қарши ҳимояланиш қийин кечади.

Спорт амалиёти техник ва тактик ҳаракатларнинг ҳужум, ҳимоя ва қарши ҳужум тузилмаларини ишлаб чиқди. Йирик мусобақаларда усулларнинг 400 га яқин тури қайд этилган. Кураш ривожининг замонавий даражаси курашчининг барча техник ва тактик ҳаракатларни эгаллаши, уларни қўллай олиши ва мақсадга мувофиқ тарзда мужассамлантиришини талаб қилади. Бирок техник ва тактик ҳужум ҳаракатлари спорт курашининг табиати билан боғлиқ бўлганлиги туфайли асосий ҳаракатлар сифатида қабул қилинади.

Ҳужум тактикаси ғалабага олиб боровчи йўл ҳисобланади, чунки у энг йирик мусобақалардаги ҳакамликнинг замонавий қоидалари ва услубига кўпроқ мос келади. Жаҳоннинг энг яхши курашчилари бу ёрқин ифодаланган ҳужум услубига эга спорчилардир.

Техник ва тактик ҳаракатларни суғуштирган курашчилар одатда асосан рақибнинг қаршилигини енгиб ўтишга мўлжалланган фойдасиз, нораціонал усулларни бажардилар. Бундай ҳаракатлар ҳужум қилувчида куч устунлиги бўлган тақдирдагина муваффақият келтиради.

Кўпинча юксак маҳоратли курашчилар уларнинг тузилишини «биомеханик намуна» га яқинлаштиривчи рационал техник ва тактик ҳаракатларни қўллаган ҳолда ўзларидан жисмонан кучлироқ рақибни ҳам енгишади. Ички ва ташқи кучлар тўғри мужассамланганда ва ишга солинганда, техник ва тактик ҳужум ҳаракатининг куч ёки вақт бўйича ютишни таъминловчи тузилиши шаклланади.

Курашчиларнинг ҳужум ҳаракатлари тузилишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, рақибни танасининг турли ўқлари бўйича саккиз йўналишда 90-270° бурчак остида бели билан пастга ағдариш учун жуфт куч чақирувчи ҳаракат механизми мавжуддир. Ҳамлалари ҳужумда жуфт куч икки фаол ҳаракат билан яратилиши ва бу ҳаракатлар турли томонларга йўналтирилган ҳамда тана оғирлигининг умумий марказидан юқорида ва пастда ишлатилиши зарур бўлади. Бунинг натижасида рақибнинг танаси бир онли айланиш марказлари атрофида айланади. Ағдариш ва айлантириш билан боғлиқ ҳужумларда жуфт куч бир фаол ва таянч реакцияси ва ишқаланиш кучи билан пайдо қилинадиган бир суғу куч ёрдамида ҳосил қилинади, рақибнинг танаси эса у гиламга тегиб турган нукталарида жойлашган ўқлар атрофида ағдарилади.

Юксак маҳоратли курашчилар курашда турғунликни усталик билан сақлай олишади, шунинг учун ҳам

бундай рақибга нисбатан усулни бажариш учун қулай динамик вазият лаҳзасини пайкаш қийин кечади. Улар йўқотилган мувозанатни тезлик билан тиклай олишади ва нотурғун ҳолатларга ўз ташаббуси билан фақатгина икки ҳолда — ўз ҳужумини бошлаётганда туриш ҳолатидан бирор усулни бажариш ҳолатига ўтаётган пайтда, шунингдек, муваффақиятсиз ҳужумдан сўнг бошланғич ҳолатга (туриш ҳолатига) қайтаётган пайтда тушиб қолишади.

Рақибни қулай динамик вазият лаҳзасида тутиб олиш учун унга ҳужум қилишга имконият бериш хавфли ва мақсадга мувофиқ эмасдир. Рақибнинг ўйланган усулни бажариш учун қулай ҳолатни эгаллашига умид боғлаш ҳам тўғри келмайди. Айниқса, тажрибали курашчининг хато ҳаракатни амалга ошириши ва турғунликни йўқотишини кутишдан умидни узса ҳам бўлаверади. Бинобарин, туриш ҳолати ва партердаги кураш вақтида юқори маҳоратли курашчи ўзининг техник ва тактик ҳаракатлари билан қулай динамик вазият лаҳзасини тайёрлай билиши керак.

Замонавий курашда оддий ҳужум ҳаракатлари (ОХХ) эмас, балки мураккаб ҳужум ҳаракатлари (МХХ) муваффақият келтиради. Курашнинг замонавий техникасини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, дарҳол усул тузилишидан бошланадиган тўғридан-тўғри ҳужум билан камдан-кам пайтларда мақсадга эришиш мумкин. Қулай динамик вазиятни тайёрлаш ва ҳужум усулининг тузилиши ягона ҳаракат — «ҳаракат ансамбли» га бирлашган пайтдаги ҳужум ҳаракатлари одатда муваффақият келтиради.

Энг оддий тузилиш гуруҳларига курашчи рақибнинг танасига куч таъсири ёрдамида уни қулай динамик вазиятга тушириб қўйиб, ундан ягона ҳаракат билан натижага эришиш учун фойдалангандаги ҳужум ҳаракатлари киради. Бу ҳолда мураккаб ҳужум ҳаракати тайёрловчи куч таъсири ва ҳужум усулининг тузилишидан ташкил топади.

Мураккаброқ тузилиш гуруҳлари эса ҳужум қилувчининг маълум ҳаракатларига жавобан қулай динамик вазиятни яратувчи рақибнинг реакциясидан фойдаланишни тақозо қилувчи ҳужум ҳаракатларидан ташкил топади. Бинобарин, курашда усулларни, хусусан мураккаб ҳужум ҳаракатларини муваффақиятли қўллаш учун, юксак маҳоратли курашчи қулай динамик вазиятларни тайёрлаш усулларини эгаллаган бўлиши ҳамда махсус ҳужум ҳаракатлари ва «ҳаракат ансамбли»ни яратишни билиши керак. Беллашув жараёнида қулай динамик вазиятларни яратиш учун манёврлар, алдамчи ҳаракатлар ва комбинациялар қўлланилади.

Юксак маҳоратли курашчилар маълум тузилиш — мураккаб ҳужум ҳаракатини ифодаловчи комбинацияларни қўллайдилар. Биринчи (алдамчи) ҳаракат ҳужум қилувчи фойдаланадиган ҳужум хавфига шунчалик ўхшаб кетадики, деярли ҳар доим рақибнинг маълум ҳимоя реакциясини келтириб чиқаради.

Комбинациявий усулларга асосланган тузилиш гуруҳларидан ташқари, асосий усулнинг бошқа мураккаб ҳужум ҳаракатларини ҳам тактик тайёргарликнинг бир ёки бир неча услубларидан фойдаланган ҳолда қўллаш мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, тайёрланган ҳаракатлар (алдамчи усуллар ва б.) МХХ самарадорлигида жуда ҳам муҳим роль ўйнайди. Бошланғич ҳаракатларнинг ҳужум усули тузилиши асоси билан турли хил бирикувларидан ҳаракатланиш кўникмасининг бутунлай янги тузилиши яратилади ва бунда эскиси сезиларли тарзда ўзгариб кетади. Бундай техник ва тактик ҳаракатдаги асосий қийинчилик бошланғич ҳаракатдан асосий ҳаракатга ўтиш жойида ҳаракатлар орасидаги боғлиқликни ўрнатиш ва ҳаракатларни кучлар йўналиши ва ҳажми бўйича ўзгартириш қобилятидан иборатдир. Шунинг учун, асосий эътиборни айнан ўзгартириш вақтида ҳаракатлар йўналишини тез ўзгартириш қоби-

лиятига, унинг қатъий кетма-кетлиги, кучларнинг узлуксизлиги ва уларга урғу берилишига қаратиш зарурдир.

Тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, МХХ ни муваффақиятли бажаришнинг назарий асоси шундан иборатки, ҳужум қилувчи режалаштирган кучлар йўналишини ўзгартиришни ичига олган битта мураккаб ҳаракатга рақиб икки марта жавоб қайтаришга мажбур бўлиб, жавоб реакциясини қайтаришда вақтдан ютқазади. Аввал МХХ нинг бошланғич ҳаракатига жавоб реакциясининг биринчи, яширин даври, кейин эса реакциянинг мотор даври ва унинг тўхташи, сўнгга, МХХ кучларининг янги йўналишини англаб олишни ўз ичига олган иккинчи, латент (сиртдан билинмайдиган) даври, ва ниҳоят, МХХ нинг якуний ҳаракатларига жавобан реакциянинг иккинчи мотор даври кузатилади. Шундай қилиб, иккинчи МХХ ҳаракати ё рақибнинг ҳужум қилувчи (йўналиш бўйича ҳужумнинг иккинчи қисмига тўғри келувчи) ҳаракатининг биринчи қисмига бўлган реакциясининг мотор қисмига, ё МХХ нинг иккинчи қисмига бўлган реакциянинг латент даврига (ҳужумга учраганнинг ҳал қилувчи ҳаракат учун фойдали бўлган тана ҳолати) тўғри келади.

Адабиётлар

1. Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. -Т.: «ZAR QALAM», 2004. 336-б.
2. Керимов Ф. А. Спорт кураши назарияси ва усуллари. – Т.: ЎзДЖТИ, 2001. 286-б.
3. Миндиашвили Д.Г., Подливаев Б.А. Вольная борьба: история, события, люди. - М.: Советский спорт, 2007. 360-б.
4. Raiko Petrov. Freestyle and Greco – roman wrestling Published by FILA, 1986. –С. 257.
5. Raiko Petrov. The ABC of Wrestling, Published by FILA, 1996. 101-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада курашчиларнинг мусобақага тайёргарлиги жараёнида уларнинг техник ва тактик тайёргарлигини такомиллаштириш усуллари ҳусусида фикр юритилган бўлиб, унда курашчилар мураккаб техник-тактик ҳаракатларини шакллантиришининг ўзига хос томонлари очиқ берилган. Ҳозирги замон кураш спорт турининг техник ва тактик жиҳатдан тайёргарлиги ҳар доимгидан ҳам дозларб масалага кўтарилаётганлиги бунга асосий сабаб бўлиб келмоқда

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются пути совершенствования технико-тактической подготовки борцов при подготовке к соревнованиям, раскрываются особенности формирования сложных технико-тактических движений борцов. Основная причина изучения вопроса в том, что техническая и тактическая подготовка современной борьбы всегда была на повестке дня.

SUMMARY

The article discusses the ways of improving the technical and tactical training of wrestlers in preparation for the competition, reveals the features of the formation of complex technical and tactical movements of wrestlers. The main reason for investigating this question is that the technical and tactical preparation of modern combat has always been on the agenda.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ЭСТЕТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Г.Т.Куттибекова – старший преподаватель

Джизакский государственный педагогический институт

Таянч сўзлар: бадиий педагогика, арттерапия, эстетик тарбия, модел, тамойиллар, мезон, яхлит ёндашув.

Ключевые слова: артпедагогика, арттерапия, эстетическое воспитание, модель, принципы, критерии, комплексный подход.

Key words: art-pedagogy, art-therapy, aesthetic education, model, principles, criteria, complex approach.

В педагогической литературе подчеркивается необходимость позволения выражению учащимися своих чувств благодаря выведению из нервно-психологического состояния, восстановлению положительного эмоционально-энергетического тонуса обучающихся на уроках художественно-эстетического цикла.

В эстетическом воспитании инновационный подход опирается на развитие творческого потенциала детей, а также используются возможности сохранения их здоровья. Это соответствует требованиям артпедагогики, поэтому можно его использовать. Внедрение в эстетическое воспитание учащихся артпедагогических и арттерапевтических методик является сложной, многогранной проблемой, при решении этой проблемы учитывается не только определение уровня эстетического развития учащихся, но и придется обращать внимания факторам, препятствующим этому процессу. В художественно-эстетическом воспитании применение данной методики дополняет, обогащает, совершенствует процессы эстетического, этического, эмоционального, творческого, психологического и социального развития личности.

В процессе эстетического воспитания сложность применения артпедагогических технологий, отсутствие точных критериев его проверки, также учитывая трудность выявления достижений учащихся в области художественной деятельности, целесообразно применять комплексные диагностические методики – подготовительно-исследовательский (для учителей-экспериментаторов наблюдение, анализ учебных документов, творческие работы), а также личностно-проверяемый (для учащихся анкеты, тесты, практические методики, контрольные листовки). Сформированность уровня эстетической воспитанности рассматривалась в следующих направлениях:

в изобразительной деятельности на уроках изобразительного искусства;

в музыкальной деятельности на уроках музыки.

По всем направлениям (предметам) складывались сведения об учащихся базовых школ: отношение к искусству, эстетическое чувство, художественно-эстетическое представление, художественно-изобразительный и музыкальный опыт, художественно-творческая способность, художественно-жизненный